

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

«ҲИМОЯГА»

Кафедра мудири

« ____ » _____ 2014 й

**“Оптик толали алоқа кабелларида ўлчаш
ишларини таҳлил қилиш”**

МАВЗУСИДА

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

БИТИРУВЧИ:

Абдухалилов Б.
612-10 гуруҳ талабаси

Фарғона – 2014 йил

МУНДАРИЖА

Кириш	4
ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ	
1.SDH технологияси таҳлили ва афзалликлари.	
1.1.Рақамли узатиш тизимларининг плезиахрон (PDH) иерархияси. E1, E2, E3, E4 оқимларини ҳосил қилиш.....	9
1.2.Синхрон рақамли иерархиянинг рақамли узатиш тизимлари.....	14
1.3.STM-1 модулининг шаклланиши	22
1.4.Синхрон рақамли иерархия транспорт тармоғи ва ускуналарининг характеристикалари	24
АСОСИЙ ҚИСМ	
2.WDM технологиясининг транспорт технологиялари билан ўзаро таъсир модели.....	29
2.1.WDM тизимларининг тузилиш схемаси	30
2.2.WDM тизимлари оптик интерфейсларининг таснифлари	34
2.3.WDM тизимларининг частотавий режаси	38
2.4.WDM технологиясининг таснифланиши	42
2.5.DWDM технологияси	46
2.6.DWDM технологиясининг қўлланилиши	49
2.7.DWDM технологиясининг тузилиши	51
ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ	
3.SDH технологияси асосида ишловчи OSN- 3500 қурилмасини таҳлил қилиш	
3.1. OptiX OSN 3500 Ethernet хизматлари	58
3.2.Тармоқни химоя қилиш ва тузиш услублари	66
3.3.SDH технологияси асосида ишловчи OSN- 3500 қурилмаси тармоқ топологиялари	73

3.4.ОртіХ OSN 3500 қурилмаси техник характеристикалари	82
4.Мехнат муҳофазаси	87
Хулоса	97
Адабиётлар	98
Иловалар	102

К И Р И Ш

Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари давомида жамиятимиз ҳаётида жуда кўп ўзгаришлар содир бўлди. Бугунги кунда иқтисодиёт, телекоммуникация соҳасида, ахборот тармоқлари олдида турган вазифалар ва мақсадлар тубдан ўзгарди.

Ўзбекистонда макро иқтисодиёт ва молиявий барқарорлик ўрнатилди, иқтисодиётнинг самарадор етакчиси сифатида олинган телекоммуникация соҳасида такомиллаштириш ва техник жихатдан қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу соҳани янада ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Жаҳон ахборот – телекоммуникация майдонида интеграциялаш ишлари амалга ошириляпти.

Республикада глобал ахборот тизимлари ва технологияларининг кенг қамровли миллий ахборот тизимига киришни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган, бу эса ўз навбатида ХХІ асрда мамлакатнинг ўсишида ҳал қилувчи вазифа ҳисобланади.

Маълумот узатиш миллий тармоғининг ривожланиши давом этмоқда. Умумий фойдаланишга мўлжалланган телефон тармоғини такомиллаштириш ва қайта таъминлаш ишлари амалга ошириляпти, шунингдек ахборот ресурслари шакллантирилмоқда, электрон ҳужжатлардан фойдаланиш, электрон тижорат, масофадан маълумотларни бошқариш, мультимедия, телеконференция, IP – телефонлаштириш каби хизматларни ўз ичига олган замонавий ва истиқболли телекоммуникация хизматлари доираси кенгаймоқда.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган “Инқирозга қарши чоралар дастури” Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Айни пайтда бу дастур инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни

таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устивор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади [1].

Ҳозирги кунда алоқа тизими жамият ривожининг асоси бўлиб қолди. Алоқа хизматиға, оддий телефондан кенг полосали интернетгача бўлган талаб доимий ўсиб бормоқда. Бу эса замонавий тизим ва тармоқларнинг пайдо бўлишиға сабаб бўлди. Айни вақтда бу катта ҳажмли ахборотларни узатишни оптик алоқа тизимлари ва тармоқлари (ОАТ ва Т) орқали амалға ошириш мумкин. Оптик тола жуда катта ўтказиш қобилиятиға эға.

Оптик алоқанинг ривожланиш тарихиға назар ташласак, шуни айтиб ўтиш жоизки, цивилизациянинг бошланғич даврларида ҳам инсон ахборотларни узок масофаларға узатишда оптик сигналлардан фойдаланган. Бунинг учун кундуз куни у мисол учун тутунли сигналлардан ёки акс этган қуёш нуридан, тунда эса олов сигналларидан фойдаланган. Вақт ўтиши билан у қуруқликда машина телеграфи, денгизларда байроқли сигнализация ва сигнал лампалари билан алмашган. Ўз навбатида охири телефон ва телеграф радиоалоқаси билан алмашди.

Сўниш қийматлари кичик бўлган оптик толалар ишлаб чиқарилди, ишончилиги юқори бўлган ярим ўтказгичли оптик нурланиш манбалари, фотодетекторлар яратилди ва оптик алоқа тизимларида ҳар томонлама изланишлар олиб борилди. Шу тарзда оптик алоқа тизимлари ва тармоқлари, телекоммуникация, оптоэлектроника ва компьютер технологиялари даври бошланди.

Оптик алоқа тизимлари ва тармоқларининг ҳолатиға келсак, дунёнинг кўплаб мамлакатларини толали оптик алоқа линиялари боғлаб туради. Шарқ ва Ғарб давлатларини, Европа, Осиё ва Америка давлатларини бир бири билан боғловчи, узунлиги тахминан 17 000 км ли Транссибир оптик линияси (ТСОЛ) қуриб битказилди. ТСОЛ дунёвий трансмиллий алоқа тармоғиға кириб, рақамли алоқанинг глобал толали-оптик халқасини боғлайди, бу халқа тўрт контингент -

Европа, Осиё, Америка, Австралия ва уч океан Атлантика, Тинч ва Хинд океанларини қамраб олган. Атлантика океани орқали АҚШ ва Европа ўртасида ва умумий узунлиги 16 000 км ли Австралия – Янги Зеландия – Гавайя – Шимолий Америка сув ости оптик магистраллари фаолият кўрсатаёпти.

XX асрнинг охирида Америка ва Европа ўртасида ретрансляторсиз, умумий узунлиги тахминан 6 000 км ли Трансатлантика толали оптик алоқа линияси қуриб битказилди. Бу линия 2,5 мкм тўлқин узунлигида 0,01 дБ/км сўнишга эга цирконий тетра фторидан тайёрланган тола ёки 2,1 мкм тўлқин узунлигида 0,005 дБ/км сўнишга эга бериллий фторидан тайёрланган тола билан жиҳозланган [2].

Вақт шуни кўрсатадики, инсониятнинг телекоммуникация хизматларига талаби имконият даражасидан ҳам жуда тез суратда ўсиб бормоқда. 20 йил олдин толали оптик алоқа линиялари (ТОАЛ) фақат магистрал линиялар сифатида, шаҳар, давлат ёки қитъаларни бирлаштириш учун қўлланилган. Бугунги кунга келиб эса оптик толали “ўргимчак тўри” нафақат шаҳар ичидаги бинолар орасида балки, бир бино ичида ҳам қўлланилмоқда [3].

Ўзбекистон Республикасида ҳам жамиятни ахборотлаштириш, оптик алоқа тизимлари ва тармоқларини ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди ва бу ишлар давом этмоқда. Бу мақсадда 1995 йил 1 август Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «2010 йилгача муддатда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш Миллий дастури» қабул қилинди. Ушбу дастурга мувофиқ 1995-1997 йилларда ТОЕ (Транс-Осиё-Европа) магистралининг жаҳон стандартларига мос келувчи, рақамли транспорт тармоғининг Миллий сегментини қуриш бошланди ва 1997 йил бу қурилиш ниҳоясига етказилиб, 926 км масофага толали оптик кабел ётқизилди. 1997 йилнинг 18 август куни Бухоро вилоятининг Олот туманида Ўзбекистон ва Туркманистон давлат чегарасида мазкур алоқа линиясининг ҳудудий участкалари уланди. Хитойнинг Шанхай шаҳридан то Германиянинг Франкфурт шаҳригача бўлган ушбу халқаро ТОЕ магистрали 20 та давлат

худудидан 27 минг км масофага тортилган. ТОЕ Миллий сегментида Сименс (Германия) фирмасининг толали оптик кабелларидан фойдаланилди.

1995-2000 йилларда ОЕСФ (Япония) лойиҳаси доирасида 1080 км узунликли худудий ТОА линияси қурилди ва фойдаланишга топширилди. 1996-1997 йилларда Тошкент шаҳрида “Сименс” толали оптик кабелларини қўллаб, барча электрон АТСларни ва шунингдек тугунли аналог АТСларни бирлаштирувчи катта транспорт ҳалқа қурилди.

2001 йилда EDSF (Корея) лойиҳаси асосида Андижон ва Фарғона вилоятларининг худудий телекоммуникация тармоқларини қайта таъмирлаш амалга оширилди. Лойиҳа натижасида умумий узунлиги 354 км бўлган худудий толали оптик алоқа линияси қурилди.

Ташқи иқтисодий бирдамлик Япония банки кредити ҳисобига Фарғона водийси учта вилоятининг ҳалқали тармоқларини қуриш, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида ҳалқали худудий телекоммуникация тармоқларини қуриш, Бухоро-Нукус участкасида ТОА линиясини Бухоро-Навои-Зарафшон-Учкудук-Нукус ТОА линияси орқали резервлаш ишлари амалга оширилди. Бу лойиҳа доирасида 2000 км магистрал, 700 км худудий толали оптик алоқа линиялари ётқизилди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг барча тараққий этган мамлакатларида оптик алоқа тизимларини, хусусан, толали оптик алоқа тизимларини такомиллаштириш, улардан ахборотлар оқимини узатиш ва уларга ишлов бериш тармоқларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Толали оптик тизимларини барча соҳаларда қўллаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ҳаётга тадбиқ этилиши, фан техниканинг, оптик алоқа тизимлари ва тармоқларининг жадал ривожланиши билан билимларнинг тезда янгилиниши мутахассислар, техник ходимлар ва ўқувчилар олдига ана шу билимларни тизимли ва мустақил эгаллаш вазифасини қўяди.

ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

1.SDH технологияси таҳлили ва афзалликлари.

1.1.Рақамли узатиш тизимларининг плезиахрон (PDH) иерархияси. E1, E2, E3, E4 оқимларини ҳосил қилиш

Рақамли узатиш тизимларида сигналларни узатиш учун импульс кодли модулятсия (ИКМ) қўлланилади ва улар плезиахрон рақамли иерархия (PDH) тизимлари деб ном олган. Импульс кодли модулятсияда аввал таъкидлаб ўтганимиздек аналог сигналлар олдин вақт бўйича дискретланади, сўнгра амплитуда бўйича квантланади ва амплитуданинг квантланган қийматлари иккилик код ёрдамида кодланади. Телефон сигналининг максимал частота спектри 3,4 кГцни ташкил қилади, мувофиқли сигнални қайта тиклаш учун эса дискрет импульслар частотаси икки баробор катта, яъни дискретизация частотаси 8 кГц бўлиши керак. Нутқ сифатини қониқтириш учун амплитуданинг $256=2^8$ дискрет сатҳлари йетарли ва ушбу сатҳларнинг ҳар бири 8 бит ёки 1 байтга тенг бўлган кодлар комбинациясига алмаштирилади, шундай қилиб, стандарт телефон сигналини ИКМ усулида узатиш учун 8 бит 8 кГц=64 кбит/с тезлик керак бўлади. Тезликнинг ушбу қиймати барча рақамли иерархиялар учун Бошланғич (нолинчи) сатҳдир. Шунини таъкидлаш керакки, циклларни қайтарилиш частотаси 8 кГц, цикл узунлиги 125 мксга тенг ва бу юқори тартибдаги PDH тизимларини қуришда ва синхрон рақамли иерархия (SDH)га ўтишда ҳам сақланиб қолади.

Телекоммуникация тармоқларида фойдаланиладиган рақамли узатиш тизимлари маълум иерархия асосида ташкил қилинади, у қуйидаги асосий талабларни қаноатлантириши керак:

- мавжуд бўлган ва келгусидаги алоқа линияларини характеристикаларини назарда турган ҳолда узатиш тизимининг параметрларини танлаш;

- узатиладиган сигналларни оддий ҳолатда бирлаштириш, ажратиш ва транзит ҳосил қилиш имконияти.


- аналог, дискрет ва рақамли сигналларнинг барча турларини РУТнинг каналлари ва тактлари орқали узатилишини.

- РУТнинг параметрларини мавжуд бўлган ва келажакда бўладиган йўналтирувчи тизимларнинг тавсифларини ҳисобга олган ҳолда танланишини;
- РУТнинг аналог узатиш тизимлари ва турли коммутация тизимлари билан ўзаро таъсирлашиши мумкинлигини;
- бир типдаги маълумотларнинг сигналлари узатилаётганда РУТнинг ўтказиб юбориш қобилиятидан энг яхши ҳолда фойдаланиш кераклигини.

РУТларининг иерархия усулида тузилиши, канал ҳосил қилувчи қурилмаларни такомиллаштириш, тайёрлаш жараёнини энгиллаштириш, техникасидан фойдаланувчи қурилмаларни яратиш имконини беради. Ҳозирги пайтда РУТларнинг икки иерархия тури кенг тарқалган: Европа ва Шимолий Америка. Европа иерархияси ИКМ-30 туридаги бирламчи рақамли узатиш тизимларига асосланган. Бунда аналог-рақамли қурилма ҳар бирининг ўтказувчанлик қобилияти 64 кбит/с га тенг бўлган 30 та канални шакллантиради. Гурухли сигнални узатиш тезлиги 2048 кбит/с га тенг. Анча юқори бўлган сатҳдаги РУТларнинг гурухли сигналларини шакллантиришда, рақамли оқимларни вақтли бирлаштириш усули қўлланилади.

Бундай оқимлар паст сатҳли РУТларнинг қурилмаларида шаклланади. 8.1-расмдан кўриниб турибдики, иерархиянинг барча поғоналари учун бирлаштириш коэффиценти 4 га тенг. Худди шунга ўхшаган ҳолда шимолий Америка иерархияси ҳам тузилади, фақат унда бирламчи РУТ сифатида ИКМ-24 қўлланилади ва иерархиянинг турли поғонаси учун бирлаштириш коэффиценти ҳар хил.

Юқоридаги икки иерархия, плезиахрон рақамли иерархия номини олган. Бундай иерархияда рақамли оқимларни бирлаштириш асинхрон усулда амалга ошади, яъни рақамли оқимларни тезлиги бир-бирисидан озгина бўлса-да, фарқ қилади. Бундай ҳолатда оқимларни бирлаштириш учун тезликларни созлаш амалга оширилади.



1.1-расм РУТ иерархиясининг турлари

Бундай узатиш тизимлари қуйидаги афзалликлар билан боғлиқ:

1. *STM-1* узатиш циклининг тузилишини шакллантиришда ва кейинчалик шу оқимларни *STM-N* ($N = 4, 16, 64, 256$) модулларига синхрон мультимплексорлашда, плезиохрон рақамли оқимларни синхрон мультимплексорлашни қўллаш орқали қуйидагилар таъминланади:

- а) плезиохрон рақамли узатиш тизимлари билан солиштирганда мультимплексорлаш техникасининг соддалиги;
- б) линия трактининг ҳар қандай пунктида, узатиладиган фойдали юклама массивини ўзгартиришсиз киритиш ва чиқариш имкони ва компонент рақамли сигналларга уланиши:

- в) транспорт тармоғининг режалаштирилган конфигурациясига мос ҳолда турли тартибдаги трактларда кросс-коннекторларни қўллаш.

2. Линия тракти қурилмаларини қўллашнинг юқори симадорлиги, бунга қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

- а) оптик кучайтиргичларсиз регенерациялаш участкасининг узунлигини 100-120 км гача таъминлаш ва уларни линия трактига улаганда 600-800 км ни ташкил этиши;
- б) 1530...1612 нм тўлқин узунлиги диапазонида *DWDM* технологияларини қўллаш имкони.

3. *SDH* узатиш тизимининг аппаратураси кўп функцияли ва юқори унификация даражасига эга. Унинг асосини оптик ва электрик трактлар ва кросс коммутациялар орасида мослаштиришни таъминловчи оптик базавий синхрон мультиплексор ташкил этади. Аппаратуранинг бундай тузилиши қуйидаги имкониятларни беради:

- а) *SDH* узатиш тизимининг ҳар қандай элементида конфигурацияни бериш;
- б) *SDH* узатиш тизимининг бирорта элементини бошқасига ўзгартириш, бунинг учун мос келувчи интерфейсни қўшиш ва дастурлаштирилган бошқарув воситаси ёрдамида конфигурацияни ўзгартириш.

4. Марказий дистанцион мониторинг ва *SDH* тармоғининг барча элементларини бошқариш имконияти. Натижада қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

- а) тармоқ элементларининг ҳолати назорат қилинади, ҳар қандай охириги нукта орасида доимий уланиш таъминланилади, асосий маршрутларда бузилишлар руй берганда трафикларни бошқа маршрутлар бўйича тақсимлаш имконияти;
- б) тракт ва каналларнинг ишга қобилиятлилигини кузатиш мумкин, контейнер ва модулларни ўтишини кузатиш мумкин, абонентдан абонентгача хизмат сифатини таъминлайди;

в) тармоқни бошқаришни ташкил этади, натижада тармоқнинг ишончлилиги ва яшовчанлиги ошади.

Буларнинг барчаси *SDH* тармоқларини тўлиқ ҳолда дастурий бошқариш имкониятлари билан боғлиқ.

6. *SDH* транспорт тармоғи аниқ қатламлар кўринишида тузилган, у 3 та тармоқ қатламидан иборат, каналлар, трактлар ва узатиш муҳити. Бундай қатламларнинг ҳосил қилиниши қуйидаги имкониятларни беради:

а) ҳар бир тармоқ қатламида янги технологияни яратиш ва алоҳида тармоқ қатламларининг қурилмаларини бошқа қатламларга боғлиқ бўлмаган ҳолда алмаштириш;

б) ҳар бир қатламда ўзининг бошқариш, назорат қилиш ва хизмат қилиш қурилмасига эгаллиги.

7. *SDH* узатиш тизими ўзининг бошқариш, назорат қилиш ва рад этишларга қарши курашувчи воситаларга эга. Бу носозликларни аниқлашни егиллаштиради ва осонлаштиради, шунингдек қурилмаларни резерв трактга улаш имконини беради. Натижада тармоқнинг ишончлилиги ошади.

8. *SDH* тармоқларида турли ишлаб чиқарувчиларнинг қурилмаларини бирлаштириш мумкин, чунки *SDH* узатиш тизимларида оптик ва электрик интерфейслар стандартлаштирилган. Бу шуни кўрсатадики, линиянинг узатиш тезлиги, линия кодлари, оптик нурланишнинг тўлқин узунлиги, линия сигналларининг узатиш циклининг тузилиши қатъий белгиланган. Бундай тизимлар учун ҳозирги вақтда телекоммуникация тармоқларини бошқарув тизимлари яратилган.

SDH узатиш тизимлари ва тармоқлари учун юқорида кўриб чиқилган афзалликлар шуни англатадики, *SDH* технологияси базаси асосида универсал транспорт тармоғи яратилади ва тармоқ ресурсларини каналли ажратишга эга бўлган тизимлар учун юқори ютуқларга эришиш имконини беради.

1.2. Синхрон рақамли иерархиянинг рақамли узатиш тизимлари

Синхрон рақамли телекоммуникация тармоқларида цикли синхронизациянинг вазифаси, одатдаги вазифадан фарқ қилади, чунки синхрон тизимларнинг цикли барча иерархия пағоналарида синхрон, плезиахрон иерархиядаги каби, юқори пағонадан бошлаб синхронизмга кириш кетма-кетлигига эга. Бу тизимнинг синхронизмга кириш вақтини камайтиради ва синхрон рақамли иерархиянинг энг асосий афзалликларидан биридир. Синхрон рақамли тармоқларда тактли синхронизациясининг вазифаси худди плезиахрон тизимларидаги каби, яъни тармоқда ишловчи рақамли қурилмаларнинг частота берувчи генераторларини частота бўйича мослашишини таъминлашдан иборат. Лекин, плезиахрон тармоқларда, берилган рақамли оқимлар учун қабул қилувчи ва узатувчи қисмдаги частота берувчи генераторларнинг мослигини таъминлаш чегараланган, синхрон тармоқларда эса тармоқнинг барча қурилмаларида частота берувчи генераторларнинг мослигига эришилади. Бундай мосликни таъминлаш компонент оқимларга уланишини тезлаштиради, бу ҳам ўз навбатида синхрон рақамли телекоммуникация тизимларининг афзалликларидан бири ҳисобланади.


Синхросигнал манбаларининг асосий параметрлари

Синхросигнал манбаларни асосий параметрлари – генератор қурилмаларида ишлаб чиқиладиган частотани аниқлиги ва мўътадиллигидир.

Генератор частотасининг аниқлиги деб, генератор қурилмасида ишлаб чиқилган частотани (f_a), номинал частота (f_o) дан нисбий оғишига айтилади, яъни аниқлик $=|f_o - f_a|/f_o$ масалан: 50 прт, ишлаб чиқилган частотанинг 5×10^{-5} аниқлиги учун мумкин бўлган қийматдир.

Мўтадиллик деб, берилган маълум бир вақт оралиғида, генераторни номинал частота генерацияси режимини ушлаб туриш хусусиятига айтилади. Мўтадиллик параметри яна частотани номиналдан нисбий бирлик оғиши билан ҳам ўлчанади ва ўзига кузатишни оралиқ вақтини бирлаштиради, масалан суткада бу 10^{-10} га тенг. Кузатиш вақти бўйича генератор мўтадиллиги, қисқа муддатли

ва узоқ муддатлига бўлинади. Вакт бўйича мўътадиллик параметрлари $t_s=10^3-10^4$ с атрофида бахоланади. Агар мўътадиллик параметрлари t_s гача тахлил қилинса, унга қисқа муддатли мўътадиллик, агар t_s дан катта давр давомида тахлил қилинса, унга узоқ муддатли мўътадиллик дейилади. Қуйидаги 1.3 – расмда қисқа ва узоқ муддатли мўътадиллик тушунчасига тўғри келувчи частота мўътадиллигининг графиги кўрсатилган. Худди шунга ўхшаб, турли шароитда генератор ишининг мўътадиллиги харорат мўътадиллиги бўйича ҳам аниқланади. Фойдаланиш жараёнида хар хил шароитда генератор ишининг мўътадиллиги жуда катта ахамиятга эга. Шунинг учун синхронизация манбаларини ва хар хил мўътадиллик параметрларини танлашда жуда катта қиймат ажратилади. Одатда генератор ишини мўътадиллик параметрларини ўлчашда ташқи шароитга боғлиқ холда лабораторияда сертификацияланган ўлчовлар ўтказилади.



1.3 – расм. Синхросигналнинг номўътадиллик графиги: қисқа ва узоқ муддатли номўътадиллик.

Синхронизация сигналлари ва уларнинг мўътадиллигига таъсир қилувчи омиллар.

Рақамли тармоқларда синхронизацияга эришиш учун аввало тармоқнинг барча қурилмалари орқали тактли частота ҳақида ахборот бериш лозим. Бундай мақсадларда синхросигналлар қўлланилади. Бу сигналлар линия сигналлари билан биргаликда ёки алоҳида сигналлар кўринишида берилиши мумкин. Тармоқ бўйича синхросигналларни узатиш жараёнида улар ҳар хил таъсирларга учрайди. Натижада сигналнинг сифати пасаяди ва тармоқда синхронизация параметрларининг бузилишига олиб келади. Замонавий телекоммуникация тизимларида синхронизация сигналларини ёки сигналлар сақловчиларнинг мўътадиллигини бузилиши ташқи электрик шовқинларни физик сабаби ва узатиш линиясининг физик параметрларини ўзгариши натижасида юзага келади. Бундан ташқари яна алгоритмик сабаблар (масалан кўрсаткичларнинг силжиши) туфайли ҳам юзага келади.

Тактли частотанинг ноъмўтадиллиги сигнал сақловчисининг **фазали титраши** деб аталади. Сигналнинг фазали титрашини частотага боғланиши 10 Гцдан юқори бўлса **джиттер**, 10 Гц дан паст бўлса **вандер** деб аталади. Джиттер ҳар хил занжир ва қурилмаларда ўзгаради. Вандер фазали синхронизация занжири бўйича ўзгаришсиз ўтади, занжирда йиғилиши ва синхронизация тизимига таъсир қилиши ҳам мумкин. Частота номўътадиллигининг асосий сабаблари:

- электромагнит интерференция;
- қабул қилгичдаги синхронизация занжирига таъсир қилувчи шовқинлар;
- тракт узунлигининг ўзгариши;
- сақловчи ахборотларни ўз вақтида тушмаслиги.

Синхронизация тармоғининг тузилиши

Синхрон рақамли иерархия (СРИ) тармоқларида тактли синхронизациянинг барча турлари (ўзаро боғланган, автоном ва мажбурий) қўлланилади. Шулардан охиргиси яна, тарқатилган бошқарувчи n ва бошқарувчи-бошқарилувчи n турларга

бўлинади. Қуйидаги 6.4-расмда SDHнинг синхронизация тармоғининг архитектураси кўрсатилган.


Бундай тармоқда тактли частотанинг нисбий номўътадиллиги жуда кичик бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам таянч генераторининг (бирламчи эталон генератор, БЭГ, PRC) нархи жуда баланд. Шунга боғлиқ холда синхрон рақамли иерархия (СРИ) тармоғининг маълум бир участкалари битта бирламчи эталон генератор (БЭГ)дан синхронизацияланади (масалан регионал). Синхросигналнинг тарқалиши узатиш линияси бўйлаб амалга ошади. Тугундаги частота берувчи генераторнинг синхронизацияси учун бошқарувчи тугунда линия сигналидан тактли частотанинг ташкил топувчилари ажратиб олинади. Шундай қилиб синхронизация тармоғининг архитектураси 1.7-расмда кўринишга эга бўлади.

Синхронизация тармоғини яратганда унинг алохида (шоҳлари) бўлаклари қисқа бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинади. Шунинг учун ҳам агар тугун ичида тармоқнинг бир неча элементлари мавжуд бўлса, уларнинг генераторларини “тарқалган бошқарувчи” усулда синхронизациялаш лозим, яъни худудий (зона ичкари) тармоқларининг синхронизацияси юлдузсимон бўлиши лозим. Қуйидаги 1.9-расмда тугун ичи юлдузсимон синхронизацияси кўрсатилган.

Бундай холда, синхронизация тармоғидаги барча генераторлар учта иерархия сатҳида жойлашади: юқори сатҳини **бирламчи эталон генератор** (БЭГ), эгаллайди, иккинчи сатҳи иккиламчи частота берувчи генератор (ИЧБГ)га тегишли, учинчи сатҳи эса мультимплексор генераторлари-махаллий частота берувчи генераторлари (МЧБГ) (қурилманинг частота берувчи генераторлари, SEC, SETSlари)дир. ИЧБГлар икки турга бўлинади: транзит тармоқ таймерлари (TNC) ва локал (махаллий) тармоқ таймерлари (LNC)).

Регенераторларнинг генератори алохида гуруҳларга ажралиши мумкин. Улар нисбатан содда қурилмалар бўлиб, узатувчи йўналишларнинг тактли кетма-кетларини алохида таъминлашни амалга оширади. Одатда бундай қурилмалар, STM-N синхрон транспорт модулида ажралиб келган таянч сигналларини қабул

қилади ва регенераторнинг барча блоклари, шунингдек чиқиш интерфейслари учун тактли сигналларни шакллантиради.




1.9-рasm. Тугун ичи (юлдузсимон) синхронизация

Мультиплексор генераторидаги синхросигнал интерфейслари тахминан қуйидагиларни кўрсатиши лозим:

Биринчидан, бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки ташқи кириш ташқи манбадан, масалан бирламчи генератордан синхросигнал олинishi мумкин.

Иккичидан, линия сигналлари (STM-N)дан ажратиб олинувчи, бундай таянч сигналлари мультиплексорларнинг линия киришларига тушади.

MSON мультиплексорлаш секцияси сарлавхасининг S1 байтидаги 5-8 битларда берилган STM-N нинг шаклланиши учун қўлланиладиган, синхросигналнинг сифати, Q сатхини белгиловчи код автоматик холда киритилади.



1.10-расм. Мультиплексор генераторларининг синхронизация манбалари.

Қуйидаги 1-жадвалда шу кодлар келтирилган.

1-жадвал

Q сифат сатхи	код	Қийматлар
2	0010	Бирламчи эталон генератор, PRC
3	0100	Иккиламчи транзит генератор, TNC
4	1000	Иккиламчи маҳаллий генератор, LNC
5	1011	Маҳаллий генератор (сақлаш режимидаги мультиплексор генератори), SEC
6	1111	Синхронизация учун қўлланилмаши
0	0000	Сифати ноаниқ
Келгусида қўллаши учун коднинг бошқа қийматлари		

Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, сифат сатҳи QO одатда олдин чиқарилган қурилмаларга мос келади (унда ҳали S1 байтлари аниқланмаган).

Синхрон рақамли иерархия (СПИ) (SDH)да линияли сигналлари беш босқичга эга синхрон рақамли мультиплексорларда (STM) – (**Synchronous Digital Multiplexer**) шаклланади.

Маълумотни рақамли тракт орқали юборувчи бундай блоклар **синхрон транспорт модуллари STM (Synchronous Transport Module)** дейилади. Мультиплексорлар ёрдамида шаклланадиган транспорт модуллари беш босқичга бўлинади:

Биринчи босқич – **STM-1** (синхрон рақамли оптик линия трактда узатиш тезлиги 155 Мбит/с). бундай тезлик 2 Мбит/с тезликдаги 63 та рақамли сигналлар оқимини узатишни таъминлайди. Товуш частотали каналларнинг сони эса $63 \times 30 = 1890$ та товуш частотали каналларга тенг бўлади. (Икки мегабитли оқимни иккита хизмат каналлари асосан ісобиға олинмайди);


Иккинчи босқич – **STM-4** (синхрон рақамли оптик линия трактида узатиш тезлиги 622 Мбит/с). Бундай тезлик 4 та **STM-1** транспорт модуллари 155 Мбит/с тезликда узатишни таъминлайди. Товуш частотали каналлар сони қуйидагича аниқланади: $1890 \times 4 = 7560$ товуш частотали канал..

Учинчи босқич – **STM-16** (синхрон рақамли оптик линия трактда узатиш тезлиги 2488 Мбит/с). Бу 4 та 622 Мбит/с тезликдаги **STM-4** транспорт модуллари бирлашмасидир. Товуш частотали каналлар сони қуйидагича аниқланади: $1890 \times 16 = 30240$ товуш частотали канал.

Тўртинчи босқич – **STM-64** (синхрон рақамли оптик линия трактидаги узатиш тезлиги 9952 Мбит/с). 4 та **STM-16** транспорт модуллари бирлашмаси. Товуш частотали каналлар сони қуйидагича аниқланади: $1890 \times 64 = 120960$ товуш частотали канал.

Бешинчи босқич – **STM-256** (синхрон рақамли оптик линия трактда узатиш тезлиги 39808 Мбит/с). 4 та **STM-64** транспорт модуллари бирлашмаси.

Товуш частотали каналлар сони қуйидагича аниқланади: $1890 \times 256 = 483840$ товуш частотали канал.




1.11-расм. Синхрон рақамли оқимнинг таркибий тузилиши

1.11-расмда синхрон рақамли сигналлар оқимининг таркибий тузилиши кўрсатилган

1.3.STM-1 модулининг шаклланиши

Овозли сигналларни узатишда кейинчалик STM-N га ўтишни назарда тутган ҳолда E1÷E4 оқимларига боғлиқ ҳолда ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашишни назорат қилиш, маршрутлаштириш, ажратиш, STM-N оқимидан ҳар бир E1 оқимининг хатоликларини осонгина топиш имконини беради. Бундай узатишда STM-1 оқимининг тезлиги 155 Мбит/с ни ташкил этади. Блокларнинг барчасидан, TUG-2, TUG-3, VC-4 ва STM-N позицияларида сигнални вақт бўйича мультимплексорлаш амалга ошади. Iар битта вақт бўйича бирлаштиришда (мультимплексорлашда) цикл вақти ўзгаришсиз қолади (125 мкс). Энди E1 юклама оқимидан STM-1 сатига ўтишни қараб чиқамиз.

(1.12-расм)



1.12-расм. E1 юклама оқимидан STM-1 синхрон транспорт модулининг шаклланиши

Расмдан кўриниб турибдики, юкламадан синхрон транспорт модулини шакллантиришда, сарлавҳа ёки кўрсаткични мультимплексорлаш, схеманинг бошқа элементларига физик ёки мантикий бирлашиш жараёнини билдиради. Бундай синхрон транспорт модули шаклланишида юкламага аввал тенглаштирувчи

битлар, бошқарувчи ва жойлаштирувчи битлар қўшилади. Шаклланган C-12 контейнерига, VC-12 POH (Path Over Head) маршрут сарлавiasi қўшилади, натижада виртуал контейнер шаклланади. Виртуал контейнер, 1 байт (PTR) кўрсаткичнинг қўшилиши натижасида TU юклама блокига айланади. Ундан кейин, VC юқори сатили виртуал контейнерлар шакллангунга қадар, зич юлда, iар хил сатили юклама блоклари (TUG) гуруiларида юклама блокларини мультиплексорлаш процедураси амалга ошади. VC-4 POH маршрут сарлавialарини қўшилиши натижасида, маъмурий (AU) блоклар iосил бўлади ва уларга SOH секция (Section Over Head) сарлавiasi қўшилади. SOH регенерациялаш секцияси (RSOH) сарлавхаси ва мультиплексорлаш секцияси (MSOH) сарлавiasидан ташкил топган.

STM-N сатхини шакллантиришда, SDHнинг энг асосий қонунларини бажариш яъни синхрон рақамли тармоқнинг ҳар қандай пунктида PDH, SDH трибларининг, STM-N сатхидан осон ва оддий ҳолатдан киритиш ва чиқариш имкониятига эга бўлиши лозим. Бундай кириш/чиқишли режимларга эга бўлган синхрон рақамли мультиплексор PDH мультиплексорларининг бутун занжири билан алмашиши керак

Бошланғич ахборотли юкламалар, маълум бир ўтказувчанлик қобилиятига эга бўлган, синхрон рақамли иерархия (СРИ)нинг бирор сатхидаги сигналларни узатиш учун етарли бўлган блоклар кўринишида контейнерларда (C-containers) жойлашади.

Контейнер, жойлаштириш операцияси (SDH mapping) орқали, давомийлиги 125 мкс ёки 500 мкс бўлган блокли циклик тузилишига эга бўлган виртуал контейнер (Virtual Container-VC)га (тракт турига боғлиқ ҳолда) ўзгаради. VC да бошланғич ахборотлардан ташқари яна трактнинг сифатини назорат қилувчи ва авария ва фойдаланишни таъминловчи тракт сарлавхаси (POH-Path Over Head) ҳам шаклланади. Шартли равишда жойлашиш операцияси шундан иборатки, C контейнердаги ахборот, VCнинг маълум бир позицияларида жойлашади,

жойлашиш синхрон (агар бошланғич ахборотлар СРИ тизимларида синхронизацияланган бўлса) ёки асинхрон ҳолатда амалга ошириш мумкин. Агар асинхрон жойлашиш бўлса, унда бошланғич оқимларнинг узатиш тезликларини рақамли тенглаштириш (мослаштириш) лозим. Бу эса бошланғич оқимларнинг маълум бир битларида, VC позицияларини бириктирилиши мустаҳкам бўлмаганлиги туфайли сузувчи режимда ишлашга мажбурлайди. Синхрон жойлаштириш белгиланган режимдаги каби, сузувчи режимда ҳам амалга ошириш мумкин. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, синхрон ва асинхрон оқимларни қайта ишлаш учун битта қабул қилгичдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, АУ-маъмурий блоки, анча юқори бўлган сатхнинг тракт қатламлари ва СРИ секцияси орасида мослаштиришни таъминловчи, юклама (анча юқори сатхли VC) дан ва маъмурий блок кўрсаткичлари (AUP) дан иборат бўлган ахборотли тузилишга эга. Шунга мос йолда АУ-3 ва АУ-4 ларни байт бўйича уланиши амалга ошади.

TU-компонент блоки, анча паст ва юқори сатҳли тракт қатламлари орасида ўзаро боғланишни таъминловчи ахборотли тузилишга эга. У ахборотли юклама (анча паст сатхли VC) дан ва компонент блоklar кўрсаткичи (TUP) дан иборат. TUG компонент блоklar гуруҳи, турли TU лардан тузилган бўлиши мумкин, бу эса тармоқнинг мустаҳкамлигини оширади.

TUG-2, TU-2 дан ёки TU-1 гуруҳларидан, TUG-3 эса, TU-3 ёки TU-2 гуруҳларидан шаклланган бўлиши мумкин. Шунингдек TUG яна битта АУ-4 ёки учта АУ-3 гуруҳидан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин.

1.4. Синхрон рақамли иерархия транспорт тармоғи ва ускуналарининг характеристикалари

Синхрон рақамли иерархия - СРИ (ёки Synchronous Digital Hierarchy-SDH) нинг яратилиши рақамли узатиш тизимларининг ривожланишида сифат жиҳатдан янги босқич ҳисобланади. СРИ принципларида алоқа тармоқларида универсал транспорт тармоғини қуриш назарда тутилган, улар маълум ҳажмдаги

ахборотларни элтиб бериш, назорат ва бошқаришни амалга оширади. СРИ транспорт тармоғининг ахборот юкламалари турли стандартлар ва сатҳлардаги плезиахрон рақамли иерархия (ПРИ) нинг рақамли оқимлари (сигналлари), шунингдек, янги электр алоқа хизматларини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган кенг поласали сигналлари бўлиши мумкин. СРИ транспорт тармоғи барча мавжуд ҳамда режалаштирилаётган хизматлар, интеллектуал, шахсий ва бошқа тармоқлар учун база ҳисобланади.

СРИ транспорт тармоғи автоматлаштирилган назорат ва бошқарув тизимларига ҳамда тактли синхронизация тизимларига эга.

СРИ принциплари аппарат сатҳида рақамли ахборотли тузилмалар ёрдамида амалга оширилади. Бундай тузилмалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Синхрон транспорт модуллари (СТМ, STM). Синхрон рақамли иерархияда линияли сигналлари беш босқичга эга синхрон рақамли мультиплексорларда – (Synchronous Dijital Multiplexer) шаклланади.

Маълумотни рақамли тракт орқали юборувчи бундай блоклар синхрон транспорт модуллари СТМ (Synchronous Transport Module - STM) дейилади.

STM-N сатҳини шакллантиришда, SDH нинг энг асосий қонунларини бажариш, яъни синхрон рақамли тармоқнинг ҳар қандай пунктида PDH, SDH трибларининг, STM-N сатҳидан осон ва оддий ҳолатдан киритиш ва чиқариш имкониятига эга бўлиши лозим. Бундай кириш/чиқишли режимларга эга бўлган синхрон рақамли мультиплексор PDH мультиплексорларининг бутун занжири билан алмашиши керак. 2.1-расмда турли PDH трибларидан ташкил топган STM-N нинг умумий шаклланиш схемаси кўрсатилган.

2. Контейнер ва виртуал контейнерлар. Бошланғич ахборотли юкламалар, маълум бир ўтказувчанлик қобилиятига эга бўлган, синхрон рақамли иерархия (СРИ)нинг бирор сатҳидаги сигналларни узатиш учун етарли бўлган блоклар кўринишида контейнерларда (C-containers) жойлашади.

VC контейнер икки турга бўлинади:

- анча паст тартибли VC-n ($n=1, 2$) контейнерлардан ва POH VC дан иборат;
- юқори тартибли VC-n ($n=3, 4$) контейнерлари POH VC билан биргаликдаги с-n ($n=3, 4$) лардан ёки POH VC билан биргаликдаги компонент гурух (TUG-2, TUG-3) лардан иборат.

3. Маъмурий блок (AU-Administrative Unit). Юқори тартибли виртуал контейнерлар (VC-3, VC-4) созлаш процедураси орқали, маъмурий AUблокларга, паст тартибли эса (VC-11 VC-12 ва VC-2) та компонент блокларига (TU-Trititary Unit) ўзгаради. AU блоки юқори тартибли тракт қатламларини, мультиплексорлаш секциясининг тармоқ қатламлари билан мослаштиради. VC циклининг бошланиши мультиплексорлаш секциясининг циклига нисбатан ўзгариши мумкин ва шунинг учун ўрни белгиланган AUP кўрсаткичи билан белгиланади.

Шундай қилиб созлаш процедураси, AU юкламаси фазасини ва тезлигини ўзгаришини яхшилайти. Шартли равишда созлаш процедурасини қуйидагича белгилаш мумкин: $AU = VC + AUP$

4. Субблок ёки компонент блоклари (TU-Trititary Unit). Паст тартибли виртуал контейнерлар (VC-2, VC-12, VC-11), айрим ҳолларда VC-3 ҳам худди юқоридаги айтганимиздек созлаш процедураси ёрдамида мос келувчи компонент TU блокларига ўзгаради. Шартли равишда ушбу процедурани қуйидагича белгилаш мумкин: $TU = VC + TUP$. Субблоклар паст тартибли трактларнинг тармоқ қатламларини юқори тартибли трактларнинг тармоқ қатламлари билан созлайди.

5. Субблоклар гурухи (Tributary Unit Group-TUG). Юқори тартибли VC юкламасининг маълум бир белгиланган позицияларини эгаллаган бир ёки бир неча TUлар, **субблоклар гурухи** деб аталади. Масалан бундай гурухларга TUG-2 ва TUG-3 лар киради. Биринчиси, бир хил TU-11, TU-12 ёки битта TU-2 субблоклар гурухи мажмуасидан иборат, иккинчиси, TU-2 ёки битта TUG-3 субблокларнинг гурухи мажмуасидан иборат. Гурухли субблоклар вақтли гурухлаштириш процедураси натижасида ҳосил бўлади.

6. Маъмурий блоклар гуруҳи (AUG-Administrative Unit Group-AUG).

AUG га AU блоклари бирлаштирилади.

AUG-блоклари вақтли гурухлаштириш процедураси орқали давомийлиги 125 мкс бўлган блокли тузилиш (Synchronous Transport Modul-STM) га айланади. STM-1нинг асосий модули (биринчи сатҳ модули) 155520 кбит/с узатиш тезлигига эга, юқори сатҳ модуллари эса бундай тезликдан N марта катта (STM-N, бу ерда $N=4, N=16, N=64, N=256$).

STM-N ни олиш процедурасини шартли равишда қуйидагича белгилаш мумкин: $STM-N = AUG \times N + SOH$, бу ерда SOH – секция сарлавҳаси.

TU-компонент блоки, анча паст ва юқори сатҳли тракт қатламлари орасида ўзаро боғланишни таъминловчи ахборотли тузилишга эга. У ахборотли юклама (анча паст сатҳли VC) дан ва компонент блоклар кўрсаткичи (TUP) дан иборат. TUG компонент блоклар гуруҳи, турли TU лардан тузилган бўлиши мумкин, бу эса тармоқнинг мустаҳкамлигини оширади.

TUG-2, TU-2 дан ёки TU-1 гуруҳларидан, TUG-3 эса, TU-3 ёки TU-2 гуруҳларидан шаклланган бўлиши мумкин. Шунингдек TUG яна битта AU-4 ёки учта AU-3 гуруҳидан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин [10].

Асосий қисм

2.WDM технологиясининг транспорт технологиялари билан ўзаро таъсир модели

WDM тизимлари учун рақамли сигналларни кодлаштириш ва шакллантиришнинг қандай восита ва усуллари қўлланилиши унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас, лекин бу тизимларда бир хил турдаги трафик узатилади. Бу эса синхронизация усуллари ва шакллантириш жараёнининг бирлиги билан асосланади.

SDH тизимларидан фарқли ўлароқ WDM технологиясида сигналлар контейнерларга жойлаштирилмайди ва SDH мультиплексорлари тузилмасига мувофиқ ишлов берилмайди.

Агарда SDH, ATM, Ethernet, IP асосий технологияларининг ўзаро таъсирини кўп поғонали соддалаштириб тасаввур қилсак, бу ифодани қуйидаги 2.2-расмда кўришимиз мумкин.

WDM технологиясигача бўлган модель (2.2,а-расм) 3 та поғона ва оптик узатиш муҳитидан ташкил топган.

ATM	Ethernet	IP
SDH		
Физик сатҳ		
Оптик узатиш муҳити		

ATM	Ethernet	IP	ATM	Ethernet	IP	ATM	Ethernet	IP
			SDH			SDH		
WDM								
Физик сатҳ								
Оптик узатиш муҳити								

а)

б)

2.2-расм. WDM технологиясининг транспорт технологиялари билан ўзаро таъсир модели:

а) WDM технологияси киритилгунга қадар; б) WDM технологияси киритилгач

Юқори поғонадаги (ATM, IP) трафикни оптик муҳит орқали узатиш учун у STM-N транспорт модулига инкапсуляция қилиниши керак. Бундай ATM уячаларини, масалан, SDH виртуал контейнерларига (ATM over SDH, Ethernet over SDH), ёки IP пакетларини SDH виртуал трибларига (IP over SDH) инкапсуляция қилиш технологиясини ишлаб чиқиш заруратини туғдирди.

WDM технологияси пайдо бўлгач бу модель (2.2,б-расм), оптик узатиш муҳитини ҳисобга олмаган ҳолда, 4 та поғонага эга бўлди. Оралиқ WDM поғонасининг қўшилиши, SDH га ўхшаб, физик поғона орқали нафақат SDH технологиясини, балки ATM, Ethernet ва IP технологияларини ҳам оптик узатиш муҳитига чиқиш имконини берувчи физик интерфейс бўлиб хизмат қила бошлади. Бунинг натижасида охир оқибат ATM уячалари, Ethernet кадрлари ёки IP пакетларини SDH технологияли оралиқ транспорт модулига инкапсуляция қилишга тўғри келмайди. Бу эса ATM ва IP тизимлари генерацияланадиган трафикка ишлов бериш ва транспортлаш жараёнини соддалаштиради ва узатилаётган маълумотнинг умумий узунлигида трафикнинг ахборот ташкил этувчиси фоизини кўпайтириб, сарлавҳанинг умумий узунлигини сезиларли даражада камайтиради.

Буларнинг ҳаммаси WDM тизими қўлланилган моделда ҳам ATM, Ethernet ва IP трафиклари SDH ни қўлловчи анъанавий схема орқали ҳам узатилиши мумкин. Бу эса янги моделнинг WDM-SDH композициялашган тизими, тўлалигича, эски схемаларни ўз ичига олиши ва моделнинг эгилувчанлигини оширади.

2.1.WDM тизимларининг тузилиш схемаси


Қуйидаги 2.3-расмда WDM тизимларининг асосий схемаси кўрсатилган.

Тизимнинг узатувчи қисми турли манбалардан киришда n маълумотлар оқими (ташувчининг тўлқин узунлигига эга бўлган кодланган рақамли импульслар рақамли кетма-кетлиги) ни қабул қилади. Бундай оқимларга мос келувчи интерфейсларда (Инт) қайта ишланади ва оптик модуляторлар (М)

ёрдамида ташувчиси модуляцияланади. Тўлқин узунлигига эга бўлган модуляцияланган оптик ташувчилар WDM MUX мультиплексорлари ёрдамида модуляцияланади ва юқори қувватли кучайтиргич ёрдамида кучайтирилади. Ундан кейин эса чиқишдаги агрегат оқимлар толага узатилади. Қабул қилувчи қисмда эса тола чиқишидан оқим қабул қилинади ва кучайтирилади, WDM DMUX демультиплексорланади, яъни тўлқин ташувчига эга бўлган оқимларга ажратилади, детекторланади, киришдаги фильтр эса ўзаро ўтувчи шовқинларни камайтириш ва детекторлашда шовқин бардошликни ошириш учун қўлланилади ва демультиплексор ёрдамида демодуляцияланади, яъни чиқишда кодланган бошланғич импульслар кетма-кетлиги ҳосил бўлади.

Ҳозирги пайтда каналларни мультиплексорлаш бўйича учта рақобатли технология қўлланилади. Шулардан иккитаси интеграл оптикали, тўлқин ўтказгич массивидаги дифракцион панжара асосида ташувчиларни ажратиш AWG (Arrayed Waveguid Grating), иккинчиси букланган дифракцион панжара ёрдамида ташувчиларни ажратиш CG (Concave Grating). Учинчи технологияда эса одатдаги янги технология сатхида дискрет оптика қўлланилади. Бунда каналларни ажратиш учун уч ўлчамли оптик мультиплексор технологиясидан фойдаланилади (3-D Optiks WDM). Оптик мультиплексирлашни солиштириш таҳлилидан қуйидаги натижаларни кўриш мумкин.

3-D Optics WDM, беш параметрнинг тўрттаси бўйича афзалликга эга ва уни HDWDM сатхигача 0,4 нм дан кам бўлмаган каналларни кўчиришда WDM тизимларида қўллаш мумкин.




2.3-расм. WDM тизимининг тузилиш схемаси

(анимация)

WDM мультиплексорларини қўллаш: WDM нинг биринчи мультиплексорларида иккита ташувчи (1310 нм ва 1550 нм) дан фойдаланилган.

2.1-жадвал

Технология	Каналлар- нинг максимал сони	Каналлар орасидаги интервал, нм	Олиб кирадиган йўқотиш, дБ	Ўзаро ўтувчи сўниш, дБ	Қутбланиш- га сезув- чанлик, %
AWG	32	0,1-15	6-8	-5 ÷ -29	2
CG	78	1-4	10-16	-7 ÷ -30	2-50
3-D Optics WDM	262	0,5-250	2-6	-30 ÷ -55	0



2.4-расм. WDM мультиплексорининг тузилиши, акс эттирувчи элементли мультиплексор

Уларнинг орасидаги фарқ 240 нм ни ташкил қилганлиги (катта оралиқни) сабабли, уларни ажратишда махсус филтърлар талаб қилинмаган.

2.4-расмда кўзгули акс эттирувчи элементли WDM мультиплексорининг тузилиши кўрсатилган. Унинг ишини думультиплексор режимида кўриб чиқамиз. Келаётган мультиплексли сигнал кириш портига тушади. Сўнг бу сигнал тўлқин ўтказгич пластинадан ўтиб, AWG дифракцион тузилмани намоён этувчи кўплаб тўлқин ўтказгичлар бўйлаб тақсимланади. Сўнг сигналнинг кўзгу юзасидан акс этиши рўй беради, натижада ёруғлик оқимлари яна тўлқин ўтказгич пластинада йиғилади, у ерда уларнинг фокусланиши ва интерференцияси амалга ошади, яъни турли каналларга мос келувчи, интенсивликнинг фазовий ажратилган интерференцион максимумлари ҳосил бўлади. Тўлқин ўтказгич пластинанинг геометрияси, чиқиш қутбларининг жойлашуви ва AWG дифракцион тузилма тўлқин ўтказгичларининг узунликлари шу тарзда мўлжалланадики, интерференцион максимумлар чиқиш қутблари билан мос келиши керак. Мультиплексорлаш жараёни бунга тескари тарзда амалга ошади.


2.2.WDM тизимлари оптик интерфейсларининг таснифлари

Архитектурага оид ечимлар нуктаи назаридан, WDM тизимлари асосан магистрал алоқа линияларини шакллантириш учун (нукта–нукта ёки линиявий занжир топологияси билан) региондан регионга массив трафикни узатиш учун қўлланилади. Шунга ўхшаш, SDH линиявий тизимларда қабул қилинган каби, бундай WDM тизимлари маълум бир стандартлаштирилган конфигурацияга ва оптик интерфейсларга эга. Бундай интерфейсларнинг таснифи ХЭИ–Т G.692 тавсияларида келтирилган [7].

Оптик интерфейсларни эталон нукталарининг таснифи

2.5-расмда G.692 тавсиясига мувофиқ WDM тизимининг эталон конфигурацияси келтирилган, унда қуйидаги эталон нукталар белгиланган:

